

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИНГ МОЛ-МУЛК ВА ЕР СОЛИҚЛАРИ



Катта ўқитувчи *Ғ.Рузиев*

РЕЖА:

1.Жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи

1.1. Мол-мулк солиғи тўловчи жисмоний шахслар, солиқ объектлари ва базаси

1.2. Мол-мулк солиғи ставкалари ва солиқ имтиёзлари ҳамда уларни қўллаш хусусиятлари

1.3. Жисмоний шахслар учун мол-мулк солиғни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби

2.Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи

2.1. Ер солиғи тўловчи жисмоний шахслар, солиқ объекти ва солиқ базаси

2.2. Ер солиғи ставкалари, солиқ ставкаларини аниқ миқдорларини белгилаш ҳамда ер солиғи бўйича имтиёзларни қўллаш хусусиятлари

2.3. Жисмоний шахслар учун ер солиғини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлашнинг ўзига хос жиҳатлари

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН МОЛ-МУЛК СОЛИҒИ ОБЪЕКТИ

СК. 419-модда.

МОЛ-МУЛК СОЛИҒИ ОБЪЕКТИ

Уй-жойлар, квартиралар, дала ҳовли
иморатлари



Кўп квартирали уйларга узвий боғлиқ
бўлган автомашина турар жойлари,
шунингдек бошқа иморатлар,
бинолар ва иншоотлар



Тадбиркорлик фаолияти ва (ёки) даромад
олиш учун мўлжалланган яшаш учун
мўлжалланмаган кўчмас мулк объектлари



Қурилиши тугалланмаган яшаш учун
мўлжалланмаган объектлар



(Лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган
норматив муддатда, муддати белгиланмаганда
қурилишга рухсатнома олинган ойдан эътиборан
24 ой ичида қурилиши тугалланмаган)



ПАСПОРТ ОБЪЕКТА

Объект: Административное здание с помещениями
общественного и торгового назначения,
мастерскими и автопарковкой,
расположенного по адресу: Красный проспект, 228



Застройщик:
ООО «Планета Ойл»
директор Д.В. Баянов
тел.: 8-961-874-77-88

Ген. подрядчик:
ООО «СпектрСтрой»
директор В.С. Шорохов
тел.: 8-963-127-50-69

Разрешение на строительство
№ 54-Ри/4303000-125-2016 от 20.07.2016 г.
Начало строительства: 20.07.2016 г.
Окончание строительства: 20.02.2017 г.
Продлено до:


ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН МОЛ-МУЛК СОЛИҒИ БАЗАСИ



МОЛ-МУЛК СОЛИҒИ БАЗАСИ



*Солиқ солиш объектларининг
кадастр қиймати*



*Солиқни ҳисоблаб чиқариш мақсадида **солиқ базаси**
42 млн. сўмдан
кам бўлиши мумкин эмас*

**Солиқ солиш объектининг баҳоси
мавжуд бўлмаган тақдирда
МОЛ - МУЛКНИНГ ШАРТЛИ ҚИЙМАТИ**

*Тошкент ва Нукус шаҳарларида,
шунингдек вилоят марказларида*

42 млн. сўм x 5

*Бошқа шаҳарларда ва қишлоқ
жойларда*

42 млн. сўм x 2

*Битта жисмоний шахс бир нечта солиқ
солиш объекти бўйича солиқ тўловчи
бўлган тақдирда, **солиқ базаси ҳар бир
объект бўйича алоҳида ҳисоблаб
чиқилади.***

СК. 420-модда.

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН МОЛ-МУЛК СОЛИҒИ СТАВКАЛАРИ

№	Солиқ солиш объектлари	Солиқ ставкалари, %	
		2022 йил	2023 йил
1	Уй-жойлар ва квартиралар, дала ҳовли иморатлари (умумий майдони 200 кв.м гача бўлганларини қўшиб ҳисоблаганда), кўп квартирали уйларга узвий боғлиқ бўлган автомашина турар жойлари, шунингдек бошқа иморатлар, бинолар ва иншоотлар	0,25	0,28
2	Шаҳар/рда жойлашган уй-жойлар ва квартиралар, умумий майдони:		
	200 кв.м дан ортиқ ва 500 кв.м гача бўлган	0,33	0,37
	500 кв.м дан ортиқ бўлган	0,44	0,49
3	Бошқа аҳоли пунктларида жойлашган, умумий майдони 200 кв.м дан ортиқ бўлган уй-жойлар ва квартиралар, дала ҳовли иморатлари	0,33	0,37
4	Тадбиркорлик фаолияти учун ёхуд юридик шахсга ёки яқка тартибдаги тадбиркорга ижарага беришда фойдаланиладиган солиқ солиш объектлари, шунингдек тадбиркорлик фаолияти ва (ёки) даромадлар олиш учун мўлжалланган, яшаш учун мўлжалланмаган кўчмас мулк объектлари	1,5	1,5

Солиқ кодексининг **480¹-моддаси**да махсус солиқ ставкалари қўлланилишини назарда тутувчи солиқ солишнинг алоҳида тартиби қўлланиладиган Ўзбекистон Республикасининг алоҳида ҳудудлари:

- Фарғона вилоятининг -Сўх тумани;
- Риштон туманининг Чўнғара маҳалласи;
- Фарғона туманининг Шоҳимардон, Ёрдон маҳаллалари ва Ҳосилот маҳалласининг Тоштепа - 2 кўчаси ҳудудларида жойлашган кўчмас мулк объектларига Солиқ кодексининг 422-моддасида белгиланган мол-мулк солиғи ставкаларига 0,1 коэффициент қўлланилади.

МОЛ-МУЛК СОЛИҒИ СТАВКАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

СК. 422-модда.

Рўйхатга олинмаган янги
қурилган уй-жойлар учун

Солиқ ставкаси кадастр идоралари ахборотлари асосида мулкнинг шартли қийматига нисбатан **2 баравар** миқдорида қўлланилади

Ҳудудларнинг ва фаолият амалга
ошириладиган жойларнинг
хусусиятларини ҳисобга олган
ҳолда

Қор.Рес. ЖКси, халқ депутатлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари ўрнатилган ставкаларга 0,7 дан 1,3 гача бўлган оралиқдаги камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар белгилашга ҳақли.



Солиқ
ставкаларини
қўллашнинг
айрим
жиҳатлари



Норматив муддатда қурилиши тугалланмаган
яшаш учун мўлжалланмаган объектларга
нисбатан

солиқ ставкаси **3 фоиз миқдорида**
белгиланади

Турар жойдан унда истиқомат қилиш
билан бир вақтда тадбиркорлик учун
фойдаланилган тақдирда

Жисмоний шахс ёки оилавий корхона турар
жойдан яшаш билан бир вақтда
тадбиркорликда фойдаланганда ҳам солиқ
турар жой учун белгиланган солиқ ставкалари
бўйича тўланади.

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН МОЛ-МУЛК СОЛИҒИ БЎЙИЧА ИМТИЁЗЛАР

Қуйидагиларнинг мулкида бўлган мол-мулк солиқ
солишдан озод этилади:

СК. 421-модда.

1) «Ўзбекистон Қаҳрамони», Совет
Иттифоқи Қаҳрамони, Меҳнат Қаҳрамони
унвонларига сазовор бўлган, учала
даражадаги Шухрат ордени билан
тақдирланган фуқароларнинг



Имтиёз тегишинча гувоҳнома
ёки маълумотнома асосида
берилади

2) уруш ногиронлари ва
қатнашчилари, шунингдек доираси
қонунчилик билан белгиланадиган,
уларга тенглаштирилган шахслар



Имтиёз гувоҳнома ёки ваколатли
органнинг маълумотномаси,
имтиёзларга бўлган ҳуқуқи тўғрисидаги
гувоҳномаси асосида берилади.

5) етим болалар ва ота-она
қарамоғидан маҳрум бўлган болалар



Имтиёз давлат томонидан
ажратиладиган уй-жой учун улар
23 ёшга тўлгунига қадар амал
қилади

3) собиқ СССРни, Ўз.Рес конституциявий тузумини ҳимоя
қилиш ёки ҳарбий хизматнинг ёхуд ички иш/ орган/ги ва
Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясидаги хизматнинг
бошқа мажбурият/ини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий
хизматчи/нинг ҳамда ички ишлар орган/и ва Миллий гвардия
ходим/ининг ота-она/и ва бева хотин/и (бева эр/и).



Имтиёз тегишинча гувоҳнома
ёки маълумотнома асосида
берилади

4) энергия ресурсларининг амалдаги
тармоқларидан тўлиқ узиб қўйилган турар
жойларда қайта тикланадиган энергия
манбаларидан фойдаланувчи шахслар



Қайта тикланадиган энергия манбалари
ўрнатилган ойдан эътиборан **3 йил
муддатга**. Имтиёз маълумотнома асосида
тақдим этилади

2023 йил 16 ФЕВРАЛДАГИ ПҚ-57-СОН ҚАРОРИ БИЛАН:

2023 йил 1 апрелдан бошлаб умумий қуввати 100 кВтгача бўлган қайта тикланувчи
энергия манбалари қурилмаларини ўрнатган жисмоний шахслар ушбу қурилмалар бўйича
мол-мулк солиғини тўлашдан улар фойдаланишга топширилган пайтдан эътиборан **уч йил
муддатга**, ўрнатилаётган қуёш панелларининг қувватига нисбатан 25 фоиздан кам
бўлмаган қувватга эга электр энергиясини сақлаш тизими билан ўрнатилган бўлса — **ўн
йил муддатга** озод этилади.

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН МОЛ-МУЛК СОЛИҒИ БЎЙИЧА ИМТИЁЗЛАР

Қуйидаги жисмоний шахсларнинг мулкида бўлган мол-мулк 60 кв.м. доирасида солиқ солишдан озод қилинади:

СК. 421-модда.

1) ўн нафар ва ундан ортиқ болалари бор ота-оналаридан бирининг



Мазкур имтиёз МФЙнинг болалар борлигини тасдиқловчи маълумотномаси асосида берилади

2) пенсионерларнинг



Мазкур имтиёз пенсия гувоҳномаси асосида берилади

3) I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларнинг



Имтиёз тегишинча гувоҳнома ёки маълумотнома асосида берилади

Мол-мулк солиғи бўйича солиқ имтиёзларига эга бўлган шахслар солиқ имтиёзини олишга бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни солиқ солиш объекти жойлашган ердаги солиқ органларига мустақил равишда тақдим этади.

Имтиёзлар мулкдорнинг танловига кўра фақат **битта яшаш учун мўлжалланган** кўчмас мулк объектига татбиқ этилади. Бундан қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланувчи шахслар мустасно.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 4 январдаги ПҚ-1902-сонли қарорига асосан 2020 йил 1 июлгача жисмоний шахслар, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жойлар қурилиши Дастури доирасида, ипотека кредитини тўлаб бўлмагунга қадар, харид қилинган уй-жойлар бўйича мулк солиғини тўлашдан озод қилинадилар.

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН МОЛ-МУЛК СОЛИҒИНИ ҲИСОБЛАШ



МОЛ-МУЛК СОЛИҒИНИ ҲИСОБЛАШ ТАРТИБИ

СК. 423-модда.

Солиқни ҳисоблаб чиқариш кўчмас мулк жойлашган ердаги солиқ органлари томонидан кадастр маълумотлари асосида амалга оширилади.

Солиқ суммаси 1 январдаги ҳолатига кўра кадастр қийматидан ва белгиланган солиқ ставкасидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Яъни:

$$S_{\text{сум}} = C_{\text{ум}} * N$$



Бу ерда:

$C_{\text{ум}}$ —кўчмас мулкнинг кадастр қиймати;

N -солиқ ставкаси.



Агар солиқ тўловчи имтиёзга эга бўлса, солиқни ҳисоблаб чиқаришда имтиёз ҳисобга олинади

Календарь йил солиқ давридир.

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН МОЛ-МУЛК СОЛИҒИНИ ҲИСОБЛАШ



Умумий майдони 200 кв.метрча бўлган турар жойлар учун
мол-мулк солиғини ҳисоблаш тартиби



ВАЗИЯТЛИ МАСАЛА:

Фарғона вилояти Олтиариқ туманидаги хонадоннинг кадастр қиймати 96 млн. сўмни, умумий майдони 190 кв.метрни ташкил этади.

2023 йилда тўланадиган мол-мулк солиғи қандай ҳисобланади

ЕЧИМИ:

-Кўчмас мулкнинг кадастр қиймати- 96 000 000 сўм.

-Умумий майдони: 190 м².

Солиқ ставкаси -**0,28 %**

Мол-мулк солиғи суммаси : $96\,000\,000 \times 0,28\% = 268800$ сўм.



Умумий майдони 200 кв.метрдан ортиқ бўлган турар жойлар учун мол-мулк
солиғини ҳисоблаш тартиби



ВАЗИЯТЛИ МАСАЛА:

Қарши тумани Навоий маҳалласидаги хонадоннинг кадастр қиймати 154 млн. сўмни, мулк эгаллаган майдон эса 240 кв. метрни ташкил этади.

2023 йилда тўланиши лозим бўлган мол-мулк солиғи қандай ҳисобланади

ЕЧИМИ:

-Кўчмас мулкнинг кадастр қиймати- 154 000 000 сўм.

-Умумий майдони: 240 м².

- Мол-мулк солиғи ставкаси- 0,37 фоиз.

Мол-мулк солиғи суммаси: $154\,000\,000 \times 0,37\% = 569800$ сўм.



ЖИСМОНИЙ ШАҲСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН МОЛ-МУЛК СОЛИҒИНИ ҲИСОБЛАШ



Шаҳарларда жойлашган умумий майдони 200 кв.метрдан 500 кв.метргача бўлган турар жойлар учун мол-мулк солиғини ҳисоблаш тартиби



ВАЗИЯТЛИ МАСАЛА:

Самарқанд шаҳри Регистон маҳалласидаги хонадоннинг кадастр қиймати 180 млн. сўмни, мулк эгаллаган майдон эса 310 кв. метрни ташкил этади.



2023 йилда тўланиши лозим бўлган мол-мулк солиғи қандай ҳисобланади



ЕЧИМИ:

- Кўчмас мулкнинг кадастр қиймати- 180 000 000 сўм.
- Умумий майдони: 310 м².
- Мол-мулк солиғи ставкаси- 0,37 фоиз.
- Солиқ суммаси: $180\,000\,000 \cdot 0,37\% = 666\,000$ сўм.



Шаҳарларда жойлашган умумий майдони 500 кв.метрдан ортиқ бўлган турар жойлар учун мол-мулк солиғини ҳисоблаш тартиби



ВАЗИЯТЛИ МАСАЛА:

Бухоро шаҳри Нақшбандий маҳалласидаги хонадоннинг кадастр қиймати 300 млн. сўмни, мулк эгаллаган майдон эса 540 кв. метрни ташкил этади.



2023 йилда тўланиши лозим бўлган мол-мулк солиғи қандай ҳисобланади



ЕЧИМИ:

- Кўчмас мулкнинг кадастр қиймати-300 000 000 сўм.
- Умумий майдони: 540 м².
- Мол-мулк солиғи ставкаси- 0,49 фоиз.
- Солиқ суммаси: $300\,000\,000 \cdot 0,49\% = 1\,470\,000$ сўм.

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН МОЛ-МУЛК СОЛИҒИНИ ҲИСОБЛАШ



Мол-мулк солиғини ҳисоблашнинг айрим жиҳатлари



БУ - МУҲИМ!

2017 йил 29 декабрдаги ПҚ-3454-сон қарори 11-бандига асосан, 2018 йилдан бошлаб, мол-мулк солиғи кўчмас мулкнинг кадастр қийматидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланадиган бўлди.

Кадастр қиймати кўчмас мулк бозоридаги нархлар ўзгаришига бевосита боғлиқлиги сабабли мол-мулк солиғи кескин ошишига йўл қўймаслик чораси назарда тутилган. Жумладан:

- 2018 йилда унинг суммаси 2017 йилги суммасининг **1,2 бараваридан** ортиқ ошмаслиги керак. (ПҚ-3454)
- 2019 йилда унинг суммаси 2018 йилги суммасининг **1,3 бараваридан** ортиқ ошмаслиги керак. (ПҚ-4086)
- 2020 йилда унинг суммаси 2019 йилги суммасининг **1,3 бараваридан** ортиқ ошмаслиги керак. (ПҚ-4555)
- 2021 йилда унинг суммаси 2020 йилги суммасининг **1,3 бараваридан** ортиқ ошмаслиги керак. (ПФ-6121)
- 2022 йилда унинг суммаси 2021 йилги суммасининг **1,3 бараваридан** ортиқ ошмаслиги керак. (ПҚ-73)



2022 йил 30 декабрдаги ПҚ-471-сонли Қарорга асосан:

2018 йилда белгиланган кадастр қиймати асосида 2023 йилда ҳисобланган жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи суммаси 2022 йил учун ҳисобланган солиқ суммасининг **1,3 бараваридан ошмаслиги** лозим

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН МОЛ-МУЛК СОЛИҒИНИ ҲИСОБЛАШ



Тадбиркорлик фаолияти ёхуд тадбиркорларга ижарага беришда фойдаланиладиган солиқ солиш объектлари, шунингдек тадбиркорлик фаолияти ва (ёки) даромад олиш учун мўлжалланган нотурар кўчмас мулк объектлари учун мол-мулк солиғини ҳисоблаш тартиби



ВАЗИЯТЛИ МАСАЛА:

Сирдарё вилояти Гулистон шаҳри Нурафшон МФЙда жойлашган жисмоний шахсга тегишли савдо дўконининг кадастр қиймати 120 млн.сўмни, умумий майдони 40 кв. метрни ташкил этади.



2023 йилда мазкур нотурар жой бўйича тўланиши лозим бўлган мол-мулк солиғи қандай ҳисобланади

ЕЧИМИ:

- Нотурар жойнинг кадастр қиймати: 120 000 000 сўм.
- Мол-мулк солиғи ставкаси **-1,5 %**.
- Солиқ суммаси: $120\,000\,000 * 1,5\% = 1\,800\,000$ сўм.



Норматив муддатларда қурилиши тугалланмаган яшаш учун мўлжалланмаган объектларга нисбатан мол-мулк солиғини ҳисоблаш тартиби



ВАЗИЯТЛИ МАСАЛА:

Фарғона вилояти Фарғона шаҳрида жисмоний шахснинг яшаш учун мўлжалланмаган объекти (масалан меҳмонхонаси) ушбу объектни қуришга доир лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган норматив муддатда (2023 йил 1 январга қадар) қурилиши тугалланмаган.



2023 йилда тўланиши лозим бўлган мол-мулк солиғи қандай ҳисобланади

ЕЧИМИ:

- Норматив муддатда қурилиши тугалланмаган яшаш учун мўлжалланмаган объектларга нисбатан солиқ ставкаси- 3 фоиз.
- Кўчмас мулкнинг шартли баҳоси вилоят марказлари учун $42\text{ млн} * 5 = 210\text{ млн}$
- Солиқ суммаси: $210\,000\,000 * 3\% = 6\,300\,000$ сўм.



60 КВ.М ДОИРАСИДА МОЛ-МУЛК СОЛИҒИДАН ОЗОД ҚИЛИШГА ДОИР ИМТИЁЗНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Олтмиш квадрат метр доирасида солиқ солишдан озод қилишга доир имтиёз доирасида жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$[C_{\text{ум}} - (C_{\text{ум}} / S_{\text{ум}}) * 60 \text{ кв. м.}] * N$$

Бунда:

$S_{\text{ум}}$ - мулк эгаллаган майдоннинг умумий ҳажми; $C_{\text{ум}}$ - мулкнинг умумий кадастр қиймати; N - солиқ ставкаси

ВАЗИЯТЛИ МАСАЛА:

Пенсионер квартирасининг кадастр қиймати 98400 минг сўмни, умумий майдони 82 кв. метр.

Мазкур пенсионер учун 2023 йилда тўланиши лозим бўлган мол-мулк солиғи суммаси ҳамда имтиёз суммасини ҳисоблаш лозим.



ЕЧИМИ:

-Кўчмас мулкнинг кадастр қиймати: 98 400 000 сўм.

-Умумий майдони: 100 м².

Солиқ кодексига асосан умумий майдони 200 кв.м гача бўлган уй-жойлар ва квартиралар, дала ҳовли иморатлари учун мол-мулк солиғи ставкаси, мол-мулкнинг кадастр қийматига нисбатан 0,25 % ни ташкил этади.

Шунга кўра мазкур пенсионер учун 2023 йилда тўланиши лозим бўлган мол-мулк солиғи суммаси:

$$[98\,400\,000 - (98\,400\,000 / 100) * 60] * 0,28\% = \mathbf{110\,208 \text{ сўм}}$$

$$\text{Пенсионер учун имтиёз суммаси: } 98\,400\,000 * 0,28\% - 110\,208 = 275\,520 - 110\,208 = \mathbf{165\,312 \text{ сўм}}$$

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИНГ МОЛ-МУЛКИГА СОЛИНАДИГАН СОЛИҚНИ ҲИСОБЛАШ ВА ТЎЛАШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ



Мулк ҳуқуқи бир мулкдордан бошқасига ўтганда мол-мулк солиғини тўлаш тартиби

Солиқ кодексининг 423-моддасига асосан мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқи календарь йил мобайнида бир мулкдордан бошқасига ўтган тақдирда, солиқ аввалги мулкдор томонидан шу йилнинг 1 январидан эътиборан у мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқини йўқотган ойнинг бошланишига қадар, янги мулкдор томонидан эса, унда мулк ҳуқуқи вужудга келган ойдан эътиборан тўланади.

ВАЗИЯТЛИ МАСАЛА:

Фуқаро Ф. Раҳмонов ўзига тегишли бўлган умумий майдони 190 кв.метр, кадастр қиймати 85 млн. сўм бўлган турар жойини 2023 йил 21 февраль кунини фуқаро С. Кенжаевга сотган.

Ушбу мулк бўйича аввалги ва янги мулк эгалари томонидан тўланадиган солиқ суммасини топиш керак?



**ОЛДИ-СОТДИ
ШАРТНОМА**

ЕЧИМИ:

Ушбу кўчмас мулк бўйича йиллик мол-мулк солиғи суммаси: $85\,000\,000 \times 0,28\% = 238\,000$ сўм

Мулкнинг аввалги эгаси фуқаро Ф. Раҳмоновнинг 1 ой (2023 йил январь учун) мулк солиғи:
 $238\,000 / 12 \times 1 = 19\,833$ сўм

Мулкнинг янги эгаси фуқаро С. Кенжаевнинг 11 ой учун (февраль-декабрь) мулк солиғи:
 $238\,000 / 12 \times 11 = 218\,167$ сўм

Солиқ идораси дастурида мулк солиғи аввалги мулкдор томонидан мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқини йўқотган кунга қадар, янги мулкдор томонидан эса, унда мулк ҳуқуқи вужудга келган кундан эътиборан тўланади.

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИНГ МОЛ-МУЛКИГА СОЛИНАДИГАН СОЛИҚНИ ҲИСОБЛАШ ВА ТЎЛАШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ



Солиқ солиш объекти йўқ қилинган, вайрон бўлган ёки бузиб ташланган объектлар бўйича мол-мулк солиғини тўлаш тартиби

Солиқ солиш объекти йўқ қилинган, вайрон бўлган ёки бузиб ташланган тақдирда, солиқни ундириш мол-мулк йўқ қилинган, вайрон бўлган ёки бузиб ташланган ойдан эътиборан тугатилади. СК.423-модда

ВАЗИЯТЛИ МАСАЛА:

Фуқаро М. Эгамбердиевнинг уйи ҳоким қарорига асосан марказий кўчаларни кенгайтириш мақсадида 2023 йил июль ойида бузиб ташланди. Мазкур уйнинг кадастр қиймати 60 млн. сўм. Умумий майдони 170 кв. метр. Ушбу бузилган мулк бўйича М. Эгамбердиев томонидан тўланадиган солиқ суммасини топиш керак?



ЕЧИМИ:

Ушбу кўчмас мулк бўйича йиллик мол-мулк солиғи суммаси: $60\,000\,000 \cdot 0,28\% = 168\,000$ сўм

Фуқаро М. Эгамбердиев уй бузулгунга қадар 6 ой (2023 йил январь-июнь учун) мулк солиғи тўлайди: $168\,000 / 12 \cdot 6 = 84\,000$ сўм



Янги иморатлар, бинолар ва иншоотлар бўйича мол-мулк солиғини тўлаш тартиби

Янги иморатлар, бинолар ва иншоотлар бўйича солиқ мулк ҳуқуқи юзага келган ойдан эътиборан тўланади. СК.423-модда

ВАЗИЯТЛИ МАСАЛА:

Фуқаро А. Сафаров янги қурган уйини 2023 йил ноябрь ойида давлат рўйхатидан ўтказди ва унда ушбу уй бўйича мулк ҳуқуқи ушбу ойда юзага келди. Мулкнинг кадастр қиймати 60 млн. сўм. Умумий майдони 160 кв. метр.

Ушбу мулк бўйича А. Сафаров томонидан тўланадиган солиқ суммасини топиш керак?



ЕЧИМИ:

Ушбу кўчмас мулк бўйича йиллик мол-мулк солиғи суммаси: $60\,000\,000 \cdot 0,28\% = 168\,000$ сўм

Фуқаро А. Сафаров 2 ой (2023 йил ноябрь-декабрь учун) мулк солиғи тўлайди: $168\,000 / 12 \cdot 2 = 28\,000$ сўм

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИНГ МОЛ-МУЛКИГА СОЛИНАДИГАН СОЛИҚНИ ҲИСОБЛАШ ВА ТЎЛАШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ



Мерос бўйича ўтган мол-мулк учун мол-мулк солиғини тўлаш тартиби

Мерос бўйича ўтган мол-мулк учун солиқ меросхўрда мулк ҳуқуқи вужудга келган ойдан эътиборан тўланади. СК.423-модда

ВАЗИЯТЛИ МАСАЛА:

Фуқаро Р. Шодмоновга 2023 йил август ойида умумий майдони 170 кв.метр, кадастр қиймати 64 млн. сўм бўлган турар жойга (отасидан мерос қолган) нисбатан мерос ҳуқуқи юзага келди. Ушбу мулк бўйича Р. Шодмонов томонидан тўланадиган солиқ суммасини топиш керак?



ЕЧИМИ:

Ушбу кўчмас мулк бўйича йиллик мол-мулк солиғи суммаси: $64\,000\,000 \cdot 0,28\% = 179\,200$ сўм

Фуқаро Р. Шодмонов 5 ой (2023 йил август-декабрь учун) мулк солиғи тўлайди: $179\,200 / 12 \cdot 5 = 74\,667$ сўм

Изоҳ: отасининг қарзи ҳам меросхўрдан ундирилади.



Календарь йил мобайнида имтиёзларга бўлган ҳуқуқ вужудга келган тақдирда мол-мулк солиғини тўлаш тартиби

Календарь. йил мобайнида имтиёзларга бўлган ҳуқуқ вужудга келган (тугаган) тақдирда, солиқни қайта ҳисоб-китоб қилиш ушбу ҳуқуқ вужудга келган (тугаган) ойдан эътиборан амалга оширилади. СК.423-модда

ВАЗИЯТЛИ МАСАЛА:

Фуқаро Ш. Панжиев 2023 йил февраль ойида пенсияга чиққан. Унинг квартираси умумий майдони 40 кв.метр, кадастр қиймати 44 млн. сўм. Ушбу пенсионерга қачондан имтиёз қўлланилади ва қанча миқдорда солиқ тўлайди?



ЕЧИМИ:

Ушбу кўчмас мулк бўйича йиллик мол-мулк солиғи суммаси: $44\,000\,000 \cdot 0,28\% = 123\,200$ сўм

Имтиёз февраль ойидан қўлланилади (мулк солиғидан озод қилинади).

Фуқаро Ш. Панжиев 1 ой (2023 йил январь учун) мулк солиғи тўлайди: $123\,200 / 12 \cdot 1 = 10\,267$ сўм

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ЕР СОЛИҒИ ОБЪЕКТИ

СОЛИҚ СОЛИШ ОБЪЕКТИ

1) **Қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун**, шунингдек деҳқон хўжалигини юритиш учун белгиланган тартибда берилган ер участкалари

2) якка тартибда уй-жой қурилиши учун белгиланган тартибда берилган ер участкалари

3) жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилиги учун берилган, шунингдек якка тартибдаги ва жамоа гаражлари эгаллаган ер участ участкалари

4) хизмат юзасидан берилган чек ерлар

5) Уй-жой ва иморатлар билан биргаликда мулк, эгалик ва фойдаланиш ҳуқуқи ҳам ўтган ер участкалари

6) белгиланган тартибда мулк қилиб сотиб олинган ер участкалари

7) тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун фойдаланишга ёки ижарага берилган ер участкалари

Кўп квартирали уйларда жойлашган яшаш учун мўлжалланмаган кўчмас мулк объектлари солиқ объекти ҳисобланади



ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ЕР СОЛИҒИ БАЗАСИ



ЕР СОЛИҒИ БАЗАСИ

СК. 435-модда.



Якка тартибда уй-жой қурилиши учун берилган ҳамда томорқа ер участкалари бўйича

Кадастр маълумотлари бўйича ер участкаларининг майдони

Жисмоний шахсларга берилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар, шунингдек деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган бўйича



*Солиқ кодекси 428-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ солиқ солинмайдиган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари **чегириб ташланган ҳолда**, ер участкаларининг қонунчиликка мувофиқ аниқланган **норматив қийматидир**.*

Бунда ер участкаларининг норматив қиймати, тегишинча, ўртача туман (шаҳар)нинг **суғориладиган ёки суғорилмайдиган ери** бўйича аниқланади.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг сифати ёмонлашган ёки яхшиланган (бонитет балли пасайган ёки ошган) ҳолда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларга эга бўлган деҳқон хўжаликлари ва жисмоний шахсларга нисбатан **Солиқ кодексининг 429-моддаси** тўққизинчи ва ўнинчи қисмларида назарда тутилган **тартиб татбиқ этилади**

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ЕР СОЛИҒИ СТАВКАЛАРИ

Республика ҳудудлари кесимида базавий солиқ ставкалари 1 кв.м учун мутлақ ўлчамда қуйидаги миқдорларда белгиланади

(жисмоний шахсларга берилган, шунингдек деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари мустасно)



Республика ҳудудлари	1 кв.м учун базавий солиқ ставкаси (сўмда)	
	2022 й	2023 й
Тошкент шаҳри		
1-зона	1280	1408
2-зона	1085	1194
3-зона	890	979
4-зона	700	770
5-зона	500	550
Қорақалпоғистон Рес.	260	286
Андижон вилояти	320	352
Бухоро вилояти	260	286
Жиззах вилояти	260	286
Қашқадарё вилояти	260	286
Навоий вилояти	260	286
Наманган вилояти	320	352
Самарқанд вилояти	320	352
Сурхондарё вилояти	234	268
Сирдарё вилояти	205	226
Тошкент вилояти	270	297
Фарғона вилояти	260	297
Хоразм вилояти	260	286

Солиқ ставкаларини аниқ миқдори қуйидаги тартибда белгиланади:

базавий солиқ ставкалари асосида

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва вилоятлар халқ депутатлари Кенгашлари **0,5 дан 2,0 гача бўлган камайтирувчи ва оширувчи коэффицентларни қўллаган ҳолда**

қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун туман ва шаҳарлар кесимида уларнинг иқтисодий ривожланишига қараб, солиқ ставкаларини белгилайди

Масалан: Қашқадарё вилоятида



ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ЕР СОЛИҒИ СТАВКАЛАРИ

Солиқ ставкаларини аниқ миқдорини белгилаш
ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ мисолида

Солиқ кодексининг 437-моддасига асосан Қашқадарё вилояти
учун ер солиғи базавий ставкаси 1 кв.м учун мутлақ ўлчамда

Республика ҳудудлари	1 кв.м учун базавий солиқ ставкаси (сўмда)
Қашқадарё вилояти	286,0

Қашқадарё вилояти
туман ва шаҳарлари учун

Қашқадарё вилояти халқ депутатлари Кенгаши вилоят учун
базавий солиқ ставка (1 кв. учун **286,0 сўм**)га 0,5 дан 2,0 гача
бўлган камайтирувчи ва оширувчи
коэффициентларни қўллаган ҳолда туман ва шаҳарлар
кесимида уларнинг иқтисодий ривожланишига қараб,
солиқ ставкаларини белгилайди

Масалан: Қашқадарё вилояти Қарши тумани учун базавий
солиқ ставкасига **0,8 камайтирувчи коэффициент** қўлланилган.
Натижада ер солиғи ставкаси 228,8 сўм ($286 \cdot 0,8$) тарзда
қолдирилган

Ер солиғи ставкалари маҳалла фуқаролар йиғинлари кесимида

Қашқадарё вилояти халқ депутатлари Кенгаши томонидан
коэффициентлар қўллаган ҳолда туман ва шаҳарлар учун
белгилаган ер солиғи ставкалари

№	Ҳудуд номи	Коэффициент (0,5 дан 2 гача)	Ер солиғи ставкаси
1	Қарши шаҳри	1,1	314,6
2	Шахрисабз шаҳар	1,1	314,6
3	Ғузор тумани	0,75	214,5
4	Деҳқонобод тумани	0,65	185,9
5	Қамаши тумани	0,71	200,2
6	Қарши тумани	0,8	228,8
7	Косон тумани	0,8	228,8
8	Китоб тумани	0,8	228,8
9	Муборак тумани	0,75	214,5
10	Нишон тумани	0,75	214,5
11	Касби тумани	0,71	200,2
12	Чироқчи тумани	0,75	214,5
13	Шахрисабз тумани	0,8	228,8
14	Яккабоғ тумани	0,8	228,8
15	Миришкор тумани	0,65	185,9
16	Кўкдала тумани	0,71	200,2

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ЕР СОЛИҒИ СТАВКАЛАРИ

Қашқадарё вилояти халқ депутатлари Кенгаши томонидан
коэффициентлар қўллаган ҳолда белгиланган ер солиғи ставкаси

№	Худуд номи	Коэффициент (0,5 дан 2 гача)	Ер солиғи ставкаси
6	Қарши тумани	0,8	228,8

Масалан: Қарши тумани Чароғил МФЙ учун
солиқ ставкасига 0,83 **пасайтирувчи**
коэффициент қўлланилган.
Натижада ер солиғи ставкаси 190 сўм этиб
белгиланган

Қарши туман маҳалла фуқаролар йиғинлари (МФЙ) учун

№	Маҳалла номи	Коэффициент (0,7 дан 3 гача)	2023 йил учун ер солиғи ставкаси
1	Батош МФЙ	1,1	251,68
2	Бодомзор МФЙ	1,1	251,8
3	Боғобод МФЙ	1,2	274,56
6	Чароғил МФЙ	0,83	190
...			
57	Янгиҳаёт МФЙ	0,92	209,5
58	Ертепа МФЙ	1,2	274,56

Масалан:

Қашқадарё вилояти Қарши тумани Чароғил МФЙда
турар жой ер майдони 6 сотих (600 кв. метр).

Қашқадар вилоятида 1 кв. метр ер учун базавий
ставка 286,0 сўм. Қарши тумани учун 228,8 сўм. Чароғил
МФЙ учун **190 сўм**=(228,8*0,83 коэф).

Шунга кўра ушбу фуқарога 2023 йилда қуйидаги
миқдорда ер солиғи ҳисобланади: $600 * 190 = \mathbf{114\ 000\ сўм}$

2022 йил 30 декабрдаги ПҚ-478-сонли қарорга асосан 2023 йилда жисмоний шахслардан олинadиган ер солиғи суммаси 2022 йил
учун ҳисобланган солиқ суммасининг **1,3 бараваридан ошмаслиги лозим.**

СОЛИҚ СТАВКАЛАРИНИ АНИҚ МИҚДОРИНИ БЕЛГИЛАШ (ТОШКЕНТ ШАҲРИ УЧТЕПА ТУМАНИ МИСОЛИДА)

СК. 437-модда

Жисмоний шахсларга якка тартибда уй-жой қуришга бериладиган ерлар бўйича Тошкент шаҳрида **базавий солиқ ставкалари 1 кв.м учун мутлақ ўлчамда**

Тошкент шаҳри	1 кв.м учун базавий солиқ ставкаси (сўмда)
1-зона	1408
2-зона	1194
3-зона	979
4-зона	770
5-зона	550

Тошкент шаҳри Учтепа тумани мисолида

№	Худуд номи	1 кв.метр учун базавий солиқ ставкаси	Коэффициент (0,7 дан 3 гача)	2023 йил 1 кв.метр учун ер солиғи ставкаси
5	Бекобод МФЙ 1 зона	1408	1,1	1548,8
8	Бекобод МФЙ 2 зона	1194	1,1	1313,4
11	Бешқайрағоч МФЙ 3 зона	979	1,1	1076,9
18	Боғобод МФЙ 4 зона	770	1,1	847
29	Дийдор МФЙ 5 зона	550	1,1	605

Солиқ ставкаларини аниқ миқдори қуйидаги тартибда белгиланади:

Тошкент шаҳри туманлари учун
базавий солиқ ставкаларига туманлар халқ депутатлари Кенгашлари 0,7 дан 3,0 гача бўлган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни уларнинг ҳудудларида жойлашган даҳа, массив, маҳалла, кўча кесимида қўллаган ҳолда ер солиғи ставкаларининг аниқ миқдорларини белгилайди

Масалан: Тошкент шаҳри Учтепа тумани Боғистон МФЙ 4-зона ҳисобланади. Ушбу маҳалла учун базавий солиқ ставкасига **1,1 оширувчи коэффициент** қўлланилган.

Натижада ер солиғи ставкаси 847 сўм ($770 \times 1,1$) этиб белгиланган

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ЕР СОЛИҒИ БЎЙИЧА ИМТИЁЗЛАР

Солиқдан қуйидагилар озод қилинади:

СК. 436-модда.



**«Ўзбекистон Қаҳрамони», Совет
Иттифоқи Қаҳрамони, Меҳнат
Қаҳрамони унвонларига сазовор
бўлган, учала даражадаги
Шуҳрат ордени билан
тақдирланган фуқаролар**



*Имтиёз тегишинча гувоҳнома
ёки маълумотнома асосида
берилади*



**2) уруш ногиронлари ва
қатнашчилари, шунингдек доираси
қонунчилик билан
белгиланадиган, уларга
тенглаштирилган шахслар**




*Мазкур имтиёз тегишли гувоҳномаси ёки ваколатли
органнинг маълумотномаси асосида, ногиронлиги
бўлган бошқа шахсларга имтиёзларга бўлган ҳуқуқи
тўғрисидаги гувоҳномаси асосида берилади*



**3) I ва II гуруҳ ногиронлиги
бўлган шахслар**



*Имтиёз тегишинча пенсия гувоҳномаси ёки
тиббий-ижтимоий эксперт комиссиясининг
маълумотномаси асосида берилади*



**4) ёлғиз пенсионерлар
(Ёлғиз ёки вояга етмаган болалари
билан ёхуд ногиронлиги бўлган
боласи билан бирга алоҳида уйда
яшовчи пенсионерлар)**



*Имтиёз пенсия гувоҳномаси ёки Пенсия
жамғармаси маълумотномаси, шунингдек
фуқаролар ўзини ўзи бошқариш
органларининг маълумотномаси асосида
берилади*

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ЕР СОЛИҒИ БЎЙИЧА ИМТИЁЗЛАР

Солиқдан қуйидагилар озод қилинади:

СК. 436-модда.

5) боқувчисини йўқотган кўп болали оилалар

(Ота ва онадан бири ёхуд ота-она вафот этган кўп болали оилалар солиқ солиш мақсадида боқувчисини йўқотган кўп болали оилалардир)



Мазкур имтиёз Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимнинг маълумотномаси асосида берилади

7) энергия ресурсларининг амалдаги тармоқларидан тўлиқ узиб қўйилган турар жойларда қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланувчи шахслар



Қайта тикланадиган энергия манбалари ўрнатилган ойдан эътиборан **3 йил муддатга**.

Имтиёз маълумотнома асосида тақдим этилади

6) Чернобиль АЭСдаги авария оқибатларини тугатишда иштирок этганлик учун имтиёзлар оладиган фуқаролар (шу жумладан вақтинча юборилган ёки хизмат сафарига юборилган) фуқаролар



Мазкур имтиёз тиббий - меҳнат эксперт комиссиясининг маълумотномаси, ногиронлиги бўлган шахснинг махсус гувоҳномаси асосида берилади

2023 йил 16 ФЕВРАЛДАГИ ПҚ-57-СОН ҚАРОРИ БИЛАН:

2023 йил 1 апрелдан бошлаб умумий қуввати 100 кВтгача бўлган қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ўрнатган жисмоний шахслар ушбу қурилмалар билан банд бўлган участкалар бўйича ер солиғини тўлашдан улар фойдаланишга топширилган пайтдан эътиборан **уч йил муддатга**, ўрнатилаётган қуёш панелларининг қувватига нисбатан 25 фоиздан кам бўлмаган қувватга эга электр энергиясини сақлаш тизими билан ўрнатилган бўлса — **ун йил муддатга** озод этилади.

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ЕР СОЛИҒИНИ ҲИСОБЛАШ

ЯККА ТАРТИБДА УЙ-ЖОЙ ҚУРИШГА БЕРИЛГАН ЕР УЧАСТКАЛАРИ УЧУН ЕР СОЛИҒИНИ ҲИСОБЛАШ



СК. 439-модда.

Қашқадарё вилояти Ғузор тумани Янгиқишлоқ МФЙда яшайдиган фуқарога тегишли турар жойнинг умумий ер майдони 6 сотих (600 кв. метр)

- *Солиқ кодекси бўйича Қашқадарё вилоятида 1 кв. метр ер учун базавий ставка 286 сўм.*
- *Вилоят Кенгаши тасдиқлаган ставка $214,5 \text{ сўм} = (286 * 0,75 \text{ коэф})$*
- *Туман Кенгаши дасдиқлаган ставка $203,8 \text{ сўм} = (214,5 * 0,95 \text{ коэф})$*
- ✓ *Шунга кўра ушбу фуқарога 2023 йилда қуйидаги миқдорда ер солиғи ҳисобланади:
 $600 * 208,0 = \mathbf{122280 \text{ сўм ер солиғи}}$*

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ЕР СОЛИҒИНИ ҲИСОБЛАШ

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРГА БЕРИЛГАН, ШУНИНГДЕК ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИГИНИ ЮРИТИШ УЧУН БЕРИЛГАН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЕРЛАР УЧУН ЕР СОЛИҒИНИ ҲИСОБЛАШ



СК. 439-модда.



Жисмоний шахсларнинг қишлоқ хўжалигига мўлжалланган, шунингдек деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган ерларнинг норматив қийматига нисбатан ер солиғи ставкасини (0,95 фоиз) қўлланилган ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Ер солиғи суммасини ($S_{\text{сум}}$) қуйидаги формула орқали аниқлаш мумкин.

Яъни:

$$S_{\text{сум}} = Y_{\text{нқ}} * N$$

Бу ерда: $Y_{\text{нқ}}$ – қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерларнинг норматив қиймати;
 N – солиқ ставкаси.

Бунда қишлоқ хўжалиги ерларининг сифати ёмонлашганда ёки яхшиланганда (балл бонитети пасайганда ёки ошганда) қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларга эга бўлган деҳқон хўжаликлари ва жисмоний шахсларга нисбатан ушбу Кодекс 429-моддасининг тўққизинчи ва ўнинчи қисмларида назарда тутилган тартиб татбиқ этилади.

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ЕР СОЛИҒИНИ ҲИСОБЛАШ



Томорқа ер участкалари бўйича ер солиғини ҳисоблаш тартиби



ВАЗИЯТЛИ МАСАЛА:

Қашқадарё вилояти Ғузор тумани Даштобод МФЙда фуқаронинг томорқа ер участкаси майдони 0,08 га (8 сотих)ни ташкил этади.



2023 йилда тўланиши лозим бўлган ер солиғи қандай ҳисобланади

Томорқа ер участкаларига якка тартибдаги уй-жой қуришга берилган ер участкалари учун белгиланган ставка қўлланилади.

Қува тумани маҳалла фуқаролар йиғинлари (МФЙ) учун



№	Маҳалла номи	2022 йилда Ғузорт учун вилоят тасдиқлаган ставкаси	Коэффициент (0,7 дан 3 гача)	2021 йил учун ер солиғи ставкаси
10.	Даштобод МФЙ	214,5	0,95	203,8

ЕЧИМИ:

Даштабод МФЙда 1 кв.м ер учун ер солиғининг аниқланган ставкаси (туман Кенгаши томонидан) 203,8 сўм.

Ер солиғи суммасини ҳисоблаймиз: $800 * 203,8 \text{ сўм} = 163\ 040 \text{ сўм}$

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ЕР СОЛИҒИ СТАВКАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

Тадбиркорликда фойдаланиладиган, ижарага берилган ва яшаш учун мўлжалланмаган кўчмас мулк объектлари эгаллаган ер участкалари учун солиқ ҳисоблаш



ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ЕР СОЛИҒИ СТАВКАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

Тадбиркорликда фойдаланиладиган, ижарага берилган ва яшаш учун мўлжалланмаган кўчмас
мулк объектлари эгаллаган ер участкалари учун солиқ ҳисоблаш

ВАЗИЯТЛИ МАСАЛА:

Қашқадарё вилояти Қарши шаҳар Амир Темур МФЙда фуқарога турғун савдо шахобчасини қуриш учун
0,01 гектар (100 кв.метр) ер ажратилган.

ЕР УЧАСТКАСИ УЧУН 2023 ЙИЛДА ҚАНЧА МИҚДОРДА ЕР СОЛИҒИ ҲИСОБЛАНИШINI ТОПИШ ЛОЗИМ?

№	Маҳалла номи	2023 йилда Қашқадарё вилоятида юридик шахслар учун солиқ ставкаси 1 гектар учун (млн. сўм)	2023 йилда Қарши шаҳрида юридик шахслар учун вилоят тасдиқлаган ставкаси 1 гектар учун (млн. сўм)	2023 йил учун ер солиғи ставкаси 1 гектар учун (млн. сўм)
1	А.Темур МФЙ	32,0	35,2	35,09

ЕЧИМИ:

Қарши шаҳар Амир Темур МФЙда юридик шахслар учун ер солиғи ставкаси 1 гектар ер учун
35 090 минг сўм.

Фуқарога берилган ер участкаси 0,01 гектар.

Ер солиғи суммаси: $0,01 \text{ га} * 35\,090\,000 \text{ сўм} = 350\,900 \text{ сўм}$

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ЕР СОЛИҒИ СТАВКАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ



Кўп квартирали уйларда жойлашган турар жой бўлмаган кўчмас мулк объектлари билан банд бўлган ер участкалари бўйича ер солиғини ҳисоблаш

Турар жой бўлмаган кўчмас мулк объектнинг қаватлар сонига бўлинган майдонидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади.

ВАЗИЯТЛИ МАСАЛА:

Тошкент шаҳри Учтепа тумани Боғистон МФЙда жойлашган 4 қаватли турар жойнинг 1-қаватида жисмоний шахсга тегишли 100 кв.метрлик нотурар жой мавжуд.

2023 йилда МАЗКУР НОТУРАР ЖОЙ ЕР МАЙДОНИ БЎЙИЧА ТЎЛАНИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН ЕР СОЛИҒИ ҚАНДАЙ ҲИСОБЛАНАДИ

№	Маҳалла номи	2023 йилда Тошкент шаҳри 4-зонасида юридик шахслар учун тасдиқлаган ставка 1 гектар учун (млн. сўм)	Туман Кенгаши коэффициенти (0,7 дан 3 гача)	2023 йилда 1 гектар учун ер солиғи ставкаси (млн. сўм)
1.	Боғистон МФЙ	99,0	1,15	113,85

ЕЧИМИ:

Нотурар жой майдони қаватлар сонига бўлинади: $100/4=25$ кв.метр.

Ер солиғи юридик шахслар учун белгиланган ставкалари бўйича ундирилади.
1 кв.метр ер учун солиқ ставкаси: $113\,850\,000/10000$ метр (1 га)=11385 сўм.

Ер солиғи суммасини ҳисоблаймиз: 25 кв.метр*11 385 сўм=**284 625 сўм**

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ЕР СОЛИҒИ СТАВКАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

Айрим ҳолларда ер солиғини оширилган ставкаларда ҳисоблаш



ТОМОРҚА ЕР
УЧАСТКАЛАРИДАН
САМАРАЛИ
ФОЙДАЛАНИШ
ҲОЛАТИНИ ЎРГАНИШ
БЎЙИЧА ИШЧИ ГУРУҲ

Якка тартибда уй-жой қуриш ва турар жойни ободонлаштириш учун берилган ер участкаларининг томорқа қисмига қишлоқ хўжалиги экинларини экиш ёки уни ободонлаштириш амалга оширилмаган тақдирда солиқ **уч баравар миқдорда** тўланади.



СК. 437-модда.

1

Огоҳлантириш хати
жойида тайёрланиб
1 нусхаси берилади

2

Камчиликларни
бартараф этишга
1 ҳафталик
муддат
берилади



3

Қайта ўрганишда
камчиликлар бартараф
этилмаган бўлса,
бир кун муддатда бу
ҳақда Кенгашга
хабарнома киритилади



4

Кенгаш томонидан туман
ҳокимлигига хабарнома ва
огоҳлантириш хатлари
илова қилинган ҳолда
маълумот тақдим этилади




ТУМАН ҲОКИМИ КЕНГАШ РАИСИ билан
ҳар чорак бўйича кейинги ойнинг 15 санасигача ҳолат
юзасидан:




а) жорий йил учун ер солиғининг
уч баробари миқдорини қўллашга доир
ДСИга тақдимнома киритади

б) ер участкасига бўлган ҳуқуқини қонун
ҳужжатларида белгиланган тартибда бекор
қилиш бўйича чоралар кўради

ЕР УЧАСТКАЛАРИДАН ҲУЖЖАТЛАРСИЗ ЁХУД ҲУЖЖАТЛАРДА КЎРСАТИЛГАНИДАН КАТТАРОҚ ҲАЖМДА ФОЙДАЛАНИЛГАНДА СОЛИҚ ҲИСОБЛАШ



ЕР ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК



ЕР УЧАСТКАЛАРИДАН ҲУЖЖАТЛАРСИЗ ЁХУД ҲУЖЖАТЛАРДА КЎРСАТИЛГАНИДАН КАТТАРОҚ ҲАЖМДА ФОЙДАЛАНИЛГАНДА СОЛИҚ ҲИСОБЛАШ

ВАЗИЯТЛИ МАСАЛА:

Қашқадарё вилояти Китоб тумани Бештерак МФЙда фуқаро ҳовлиси (турар жойи)нинг умумий майдони 15 сотихни ташкил этади.

Кадастр ҳужжатида эса ер майдони 10 сотих этиб белгиланган.

Қолган 5 сотих ердан ҳужжатсиз фойдаланмоқда.

2023 ЙИЛДА МАЗКУР ФУҚАРОНИНГ ЕР МАЙДОНИ БЎЙИЧА ТЎЛАНИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН ЕР СОЛИҒИ ҚАНДАЙ ҲИСОБЛАНАДИ

№	Маҳалла номи	2023 йилда Китоб тумани учун вилоят тасдиқлаган ставкаси	Коэффициент (0,7 дан 3 гача)	2021 йил учун ер солиғи ставкаси
1.	Бештерак МФЙ	228,8	0,87	199,1

ЕЧИМИ:

5 сотих (15-10) ердан ҳужжатсиз фойдаланмоқда. 5 сотих ер учун базавий ставканинг 3 баравари миқдорида, яъни 500 кв. метр * (199,1*3) миқдорида солиқ ҳисобланади.

Ер солиғи суммасини ҳисоблаймиз:

1) $1000 \text{ кв.м} * 199,1 = 199\ 100$ сўм солиқ кадастр ҳужжатидаги ер майдони учун;

2) $500 \text{ кв.м} * (199,1 * 3) = 298\ 650$ сўм солиқ ҳужжатсиз фойдаланилаётган ер учун.

Жами ҳисобланган ер солиғи суммаси:

$$199\ 100 \text{ сўм} + 298\ 650 \text{ сўм} = \mathbf{497\ 750 \text{ сўм}}$$

ЕР СОЛИҒИ БЎЙИЧА ИМТИЁЗЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ



Ногирон жисмоний шахсларга ер солиғи бўйича имтиёзларнинг қўлланилиши

ВАЗИЯТЛИ МАСАЛА:

Қашқадарё вилояти Қарши шаҳар Геолог МФЙда яшовчи фуқаро хонадони ер участкаси майдони 6 сотих (600 кв. метр)ни ташкил этади. Ушбу хонадон эгаси 2023 йил 15 июнь кунини ТМЭК томонидан 1-гурӯх ногиронлиги деб топилган ва унга ногиронлик гувоҳномаси тақдим этилган. Хонадон эгасига тегишли ногиронлик гувоҳномаси нусхаси 20 июнь кунини имтиёздан фойдаланиш учун ДСИга тақдим этилган.



2023 йилда мазкур хонадон ер участкаси учун имтиёзни қўллаган ҳолда ер солиғи қандай ҳисобланади

Қарши шаҳар маҳалла фуқаролар йиғинлари (МФЙ) учун

№	Маҳалла номи	2022 йил учун Қашқадарё вилояти учун базавий ставка	2021 йил учун вилоят Кенгаши коэффиценти	Шаҳар Кенгаши коэффиценти	2022 йил учун ер солиғи ставкаси
16.	Геолог МФЙ	286,0	286,0*1,1	1,14	357,5



ЕЧИМИ:

Қашқадарё вилояти Қарши шаҳар Геолог МФЙда ер солиғининг ставкаси 1 кв.м учун 357,5 сўм

Йиллик ер солиғи йил бошида қуйидагича ҳисобланган: 600 кв.метр *357,5 сўм=214 500 сўм

СК. 440-моддасига асосан ер солиғи бўйича имтиёзлар белгиланган тақдирда, бу солиқ имтиёзга бўлган ҳуқуқ юзага келган ойдан эътиборан тўланмайди.

Шунга кўра мазкур фуқаро 2023 йил учун ҳисобланган солиқнинг 7 ойлик (7/12) қисмидан озод қилинади. Ўрни:214500/12*7=125 125 сўм. Бюджетга 5 ойлик солиқ 214 500- 125 125=89375 сўм



АЙРИМ ҲОЛЛАРДА ЕР СОЛИҒИНИ ҲИСОБЛАБ ЧИҚАРИШ ВА БЮДЖЕТГА ТЎЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ



Йил давомида ажратилган ер участкалари учун ер солиғини тўлашга доир вазиятли масала:

ВАЗИЯТЛИ МАСАЛА:

- ❖ Фуқаро Р. Расуловга 2023 йил 16 март куни уй-жой қуриш учун ер участкаси ажратилган.
- ❖ Ер бўйича йиллик (12 ойлик) ҳисобланадиган солиқ суммаси -40 минг сўм бўлса

ТОПИШ КЕРАК:

- Р. Расулов томонидан тўланадиган ер солиғи суммаси?

ЕЧИМИ:

- ✓ Йил давомида ажратилган ер участкалари учун солиқ ер участкаси ажратилган ойдан кейинги ойдан эътиборан тўланади. СК.440-модда
- ✓ Ф. Раҳмонов 9 ой (апрель-декабрь) учун $240\,000 / 12 \cdot 9 = 180\,000$ сўм ер солиғи тўлайди.



Ер участкаси майдони камайтирилган тақдирда ер солиғини тўлашга доир вазиятли масала:

ВАЗИЯТЛИ МАСАЛА:

Тошлоқ туманида М. Эгамбердиев ҳовлиси ер майдонининг 1/4 қисми ҳоким қарорига асосан марказий кўчаларни кенгайтириш мақсадида 2023 йил июль ойида олиб қўйилди.

Йиллик ҳисобланган ер солиғи суммаси -360 минг сўм

ТОПИШ КЕРАК:

Ер участкаси камайтирилгани учун қанча миқдорда ер солиғи тўланади?

ЕЧИМИ:

Ер участкаси майдони камайтирилган тақдирда, солиқни тўлаш ер участкаси камайтирилган ойдан эътиборан тугатилади (камайтирилади). СК.440-модда

М. Эгамбердиев дастлабки 6 ой (январь-июнь) учун $360\,000 / 12 \cdot 6 = 180\,000$ сўм

Кейинги 6 ой (июль-декабрь) учун $(180\,000 / 4 \cdot 3) = 135\,000$ сўм

$180\,000 + 135\,000 = 215\,000$ сўм ер солиғи

АЙРИМ ҲОЛЛАРДА ЕР СОЛИҒИНИ ҲИСОБЛАБ ЧИҚАРИШ ВА БЮДЖЕТГА ТЎЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ



Солиқ бўйича имтиёзлар белгиланган тақдирда имтиёзни қўллашга доир вазиятли масала:

ВАЗИЯТЛИ МАСАЛА:

- ❖ Боғдод туманида С. Мамажоновга 2023 йил 15 сентябрда ТМЭК томонидан 1-гуруҳ ногиронлиги тўғрисида гувоҳнома берилган.
- ❖ 2023 йилда ҳисобланган ер солиғи-**240 минг сўм**

ТОПИШ КЕРАК:

- Имтиёз қачондан қўлланилади?
- 2023 йил учун қанча миқдорда ер солиғи тўланади?

ЕЧИМИ:

- ✓ Имтиёзлар белгиланган тақдирда, бу солиқ имтиёзга бўлган ҳуқуқ юзага келган ойдан эътиборан тўланмайди. СК-440-модда
- ✓ Имтиёз сентябрь ойидан қўлланилади (ер солиғидан озод қилинади).
- ✓ С. Мамажонova 8 ой (январь-август) учун $240\,000 / 12 \cdot 8 = 160\,000$ сўм ер солиғи тўлайди



Солиқ бўйича имтиёзларга бўлган ҳуқуқ тугатилган тақдирда солиқни тўлашга доир вазиятли масала:

ВАЗИЯТЛИ МАСАЛА:

- ❖ Данғара туманида фуқаро Р. Пардаевнинг 2-гуруҳ ногиронлиги 2023 йил май ойида ТМЭК томонидан бекор қилинди.
- ❖ Р. Пардаевга ҳисобланган йиллик ер солиғи суммаси- **120 000 сўм**.

ТОПИШ КЕРАК:

- Имтиёз қачондан бекор қилинади?
- Қанча миқдорда солиқ тўлайди?

ЕЧИМИ:

- ✓ Имтиёз ҳуқуқи тугатилган тақдирда, солиқ ҳуқуқ тугатилган ойдан кейинги ойдан эътиборан тўланади. СК.440-модда.
- ✓ Имтиёз июнь ойидан бекор қилинади.
- ✓ Р. Пардаев 7 ой (июнь-декабрь) учун $120\,000 / 12 \cdot 7 = 70\,000$ сўм ер солиғи тўлайди.

МОЛ-МУЛК ВА ЕР СОЛИҚЛАРИНИ КЎЧМАС МУЛК ОБЪЕКТЛАРИНИНГ БОЗОР БАҲОСИГА ЯҚИН БЎЛГАН КАДАСТР ҚИЙМАТИ АСОСИДА ҲИСОБЛАШ ТИЗИМИ

Мол-мулк ва ер солиқларини кўчмас мулк объектларининг бозор баҳосига яқин бўлган кадастр қиймати асосида ҳисоблаш тизимини босқичма-босқич жорий этиш ПФ-6121-сон, 2020 йил 3 декабрь

Кўчмас мулк объектларининг бозор баҳосига яқин бўлган кадастр қиймати асосида мол-мулк ва ер солиқларини ҳисоблаш тизими икки босқичда жорий этилади:

Биринчи босқичда

**(2021 - 2023
йиллар)**


кўчмас мулк бўлган турар-жой фонди объектлари (квартира, якка тартибдаги уй-жойлар, дала-ҳовли), шунингдек, ушбу объектлар эгаллаган ер участкаларига нисбатан

Иккинчи босқичда

**(2022 - 2024
йиллар)**

яшаш учун мўлжалланмаган алоҳида кўчмас мулк объектлари, шунингдек, ушбу объектлар эгаллаган ер участкаларига нисбатан

2021-2022 йилларда республиканинг қуйидаги «тажриба-синов» ҳудудларида кўчмас мулк объектларининг бозор қийматига асосланган кадастр қийматини аниқлаш бўйича эксперимент ўтказилади:



**ЭЪТИБОРЛАРИНГИЗ
УЧУН
РАЎМАТ!**